

ХХРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДИАХРОНИК ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10182313>

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна

филология фанлари доктори DSc,

Тошкент давлат шарқшунослик университети,

Хитойшунослик факультети,

Хитой филологияси кафедраси профессори.

Аннотация: мазкур мақола Хитой Ҳалқ Республикасининг Олий таълим тизимида таълим сифатини таъмилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг диахроник таҳлилига бағишланган бўлиб, бунда XXРда Олий таълимни ислоҳ қилиши ва мутахассисларни тайёрлашида хорижий тажриба ҳақида баён этилади.

Калим сўзлар: диахрония, синхрония, кибернетика, инновация, таълим индустрияси, креативлик.

Abstract: this article is devoted to the diachronic analysis of the reforms in the higher education system of the People's Republic of China, which are being carried out in order to improve the quality of education, and it describes the foreign experience in the reform of higher education in the PRC and the training of specialists.

Keywords: diachrony, synchrony, cybernetics, innovation, educational industry, creativity.

1998 йилнинг 4 май санасида Пекин университетини 100 йиллиги муносабати билан Цзян Цзямин ушбу муассасага юқори даражадаги олий таълим муассасига айланишига тилаган ҳолда шундай деган эди: “Бундай университет юқори маданиятга эга бўлган ижодий ёндашувли шахсларнинг беланчагига айланиши керак ва бундай шахслар обьетив ҳақиқатни топишга, илмий тадқиқотларни намоён қилган ҳолдаинсоният олдида турган каттадан катта муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилиши керак. Университет илм дунёсини янгиланишига хизмат қилувчи куч, илмий-тадқиқот фаразларни реал ишлаб чиқаришга йўналган бўлиши керак. Университет миллий маданият ва дунё цивилизацияюқларини алмашинувчи кўприк вазифасини ўташи керак.” Бунда учта фикрга эътибор қаратишимиш керак, булар: “бешик”, “куч” “кўприк”.

Назаримизда 21 асрда ОТМларнинг асосий функциялариинан шулардан иборат бўлиши керак. Айнан шу 21 аср ОТМларни ривожланиш моделини акс эттиради, яъни: юқори маданиятга эга бўлган инновацион кадрларни тарбиялаш ва тайёрлаш. Талабалар асосан фундаментал ва базани ташкил қилувчи маҳсус билимларга эга бўлишлари керак, ўзини мутахассислиги учун бақувват фундамент тайёрлаши керак. Шу билан бирга умумий характерга эга бўлган ўқиш турлари принципларига, ўқишининг индивидуаллашувига ҳам эътиборни қаратиш керак, бу эса, ўз навбатда, факультатив предметлар сонини кўпайтириш ва шу орқали ўқишига қизиқиши орттириш, талабаларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш демакдир. Бундан ташқари олийгоҳлар орасида илмий-тадқиқот ишлари бўйича мутахассислар алмашинувини кенгайтириш ва кучайтириш лозим. Иккинчидан, илмий фаразлар, тенхнологиялар, билимлар ҳам доимол янгиланиб борилиши керак. Бунда авангард тадқиқотлар, ва фундаментал билимларнинг активизациялашувига алоҳида эътибор қаратиш керакки, айнан шу орқали илмий-тадқиқот соҳасида ривожланишга янада туртки бўлади. Учинчидан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондириш имкониятларини кенгайтириш, янги илмий тадқиқот натижаларини реал ишлаб чиқариш соҳасига тадбиқ этиш, уларни коммерциялашувига кўмак бериш даркор. Бундан ташқари анъанавий индустря соҳаларини янгилаш учун юқори технологияларни мунтазам равишда тадбиқ этиш лозим. Бизнинг олийгоҳларимиз 21 аср талабларидан келиб чиқсан ҳолда инновация типидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаши учун замин яратиши керак, илм-фан ва техника иқтисодиёт билан ҳамоҳанг тарзда бир-бирини тўлдириб бориши керак. Олий таълим даргоҳлари ва академия - бу фундаментал илм-фанинг асосий кучидир.

Хитой – катта давлат ва аҳоли жиҳатидан ҳам кўпсонли мамлакатdir. Мамлакатнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда ва инсониятнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш нуқтии назаридан келиб чиқсан ҳолда Хитойда халқаро миқёсдаги олийгоҳаларга талаб катта ва бундай олийгоҳларни вужудга келиши учун учта асосий пунктга эътибор бериш лозим. Биринчиси – халқаро миқёсдаги олийгоҳ узоқ муддатли илмий анъаналар ва катта илмий багажга эга бўлиши керак, яъни бошқача қилиб айтганда, бақувват фундаментга эга бўлиши шарт. Иккинчидан – халқаро миқёсдаги олийгоҳ ўзини меҳнати эвазига яратилади ва жамият томонидан тан олинган бир нечта объектив критерияларга жавоб бериши керак. Учинчидан, давлат томонидан молиялаштириш ишлари ҳам албатта керак, лекин фақат пул эвазига биринчи даражали халқаро миқёсдаги олийгоҳни бунёд этиш мумкин эмас. Назаримизда, ҳар бир олийгоҳ

модернизацияга, келажакка интилиши лозим ва ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзини ориентирларини аниқлаб олиши, ўзига хос хусуятлари ва спецификага эга бўлган олийгоҳни қуриши керак.

Хитой Халқ Республикасида таълим сифатини таъминлаш борасида Олий таълимни ислоҳ қилиш ва мутахассисларни тайёрлашда хорижий тажриба катта аҳамиятни касб этади. Бунда қуйидагиларга эътибор берилди: биринчидан – ўқув тизимида новаторлик ва асосланган ривожлантириш концепцияси таълим соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, педагоглар ва ажойиб раҳбарлар томонидан йўлга кўйилади. Баъзи олийгоҳларни ректорлари нафақат таниқли олим ва профессор, балки кенг дунёвий дунёқарашиб ва стратегик фикрлашга эга бўлади. Халқаро миқёсдаги олийгоҳларда дунё миқёсидаги авторитетга эга бўлган таниқли олимлар, профессорлар, турли соҳа мутахассислари. Масалан, Гарвард университетида 36 Нобель мукофоти совриндорлари бор. Массучусетс технология институтида 13тадан ортиқ ўқитувчилар нобель лауреатидир, 200тадан ортиқ мутахассислари Америка Миллий илм-фан академияси ва Инженерия академияси аъзоларидир. Ўз пайтида Оксфорд университетида бир қанча таниқли олимлар, хусусан, квант механикаси назарияси асосчиси Эрвин Шрелингер, физик Роберт Бойель, иқтисодчи Джон Хикс, биолог Роднер Порттер, зоолог олим Николас Тинбергон дарс берган. Кембридж университети мутахассисларидан Исаак Ньютон, Лорд Резерфорд, Джеймс максвелл, Бенджамин Томпсон, Морис Дирак ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Иккинчидан, халқаро миқёсда машҳур бўлган университетларни омади бир қанча иқтидорларни тарбиялаш билан ҳам боғлиқ, улардан кўплари кейинчалик таниқли сиёсий арбоблар, иқтисодиёт соҳаси корифейлари, илм-фан ва техника соҳасини элитаси, академиклар, трансконтинентал корпорацияларни раҳбарлари бўлиб шаклланадилар. Кўплаб индустрiali гигант корпорациялар (масалан, IBM, AT&T ва бошқа компаниялар) раҳбарлари ҳам Массачусетс технология институти битирувчиларидир. Хитойнинг ҳам кўплаб таниқли олимлари, хусусан геология назариясининг ихтирочиси Дин Вэньцзян, биохимик Ван Инлай, ядрорий физика бўйича мутахассис Чжао Чжуныо, математик Хуа Логэн, молекуляр биохимия бўйича мутахассис Цзоу Ченлу ва бошқа машҳур олимлар ҳам Кембридж университети битирувчисидирлар.

Учинчидан, дунё миқёсида танилган университетлар доимо мутахассисларни тайёрлаш бўйича, ўқиш жараёнини ташкил қилишда илмий фикрлар хилма-хиллигига, толерантлигига эътибор қаратади, назарий тадқиқотларни креативлигига алоҳида эътибор беради. Ўқитиш жараёнинда улар

эвристик методга сұянағылар, бунда қүпроқ дискуссия, семинарларга урғы берган ҳолда, мажбурий билим беришдан йироқлашадылар. Улар олимлар ролига алоқида әльтібор қаратған ҳолда, корпоратив ҳамкорликни ҳам құллаб-қувватлайдылар. Шу билан бир қаторда индивидуал, дифференциал таълимға ҳам әльтіборни қаратған ҳолда ёш олимлар ҳар томонлама құллаб-қувватланадылар.

Тұрттынчидан, ҳар бир олийгох арсеналида юқори даражада ривож топған илм-фан билан алоқада бүлгап фанлар мажмуди бўлиши керак ва улар айнан маълум олийгоҳни спецификасини алоқида ажратиб кўрсата олиши керак. Масалан, Кембридж университетида бу физика, химия, математика, биология, иқтисодиёт; Гарварда – иқтисодиёт, биология, физика. Массачусетс технология институтида – физика, кибернетика, инженер аэронавтика ва космос; Стэнфорд университетида – психология, педагогика, ботаника, электрон инженерия ва бошқалар. Ҳалқаро миқёсида машҳур бүлгап олийгоҳлар илм-фан бўйича лидерликни сақлаб қолиш учун юқори даражада таъминланган лабораторияларга эга бўлади. Масалан, Стэнфорд университетининг синхротрон радиация лабораторияси юқори энергия физикаси бўйича тадқиқот ишларида, компьютер техникаси, интеграл схемалар технологиялари бўйича дунёда етакчи ўриндадир. Кембридж университети Кавэндиш лабораторияси глобал физикавий тадқиқотлар маркази бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур олийгоҳларнинг барчаси фундаментал фанлар ривожига ҳам алоқида әльтібор қаратадылар.

Бешинчидан, дунё миқёсида танилган университетлар докторонтура босқичига ҳам алоқида әльтібор қаратадылар. Айниқса докторантларнинг тайёрғалиги алоқида ўрин тутади.

Олтинчидан, олийгоҳлар илмий нашрлар, монография ва академик нашрлар бўйича етакловчи кучдир. SCI рўйхатидан ўрин олган нашрлар бўйича хитой нашрларнинг $\frac{3}{4}$ қисмининг муаллифлари олийгоҳлар профессор-үқитувчилари ёки ходимларидир.

Еттинчидан, дунё миқёсида танилган университетлар чуқур маданий билимга ҳам эгадирлар. Улар ҳалқаро илм-техника ва маданият бўйича марказий таянчдир, бу ерда айнан илм-фан, маданият бўйича ҳамкорлик алмашинувлар ҳам рўй беради. Ҳалқаро ҳамкорликка әльтібор берган ҳолда улар чет эл тажрибасини, методларини ўзлаштирадылар, бошқа давлатлардан иқтидорли кучларни жалб қиласылар, чет эл талабалари ва стажёрларини ўқишига қабул қиласылар. Олийгоҳлар ўз мамлакат, миллат ривожига катта тарихий таъсир кўрсатади. Бу ерда илм-фанга, маданият, санъатга оид

қўлёзмалар, манба ва экспонатлар сақланади. Хусусан, Оксфорд музейида 4 музей мавжуд бўлиб, Эшмолин музейида 17-18 асрга оид Европа кумуш экспонатлари, бронза ва фарфордан ясалган Хитойдан келтирилган экспонатлар сақланади. Кембридж университетининг Фитцвилям кутубхонасида қадимги Миср, қадимги Юнонистонга оидмаданий манбалар сақланиб келинмоқда.

Саккизинчидан, машҳур олийгоҳларнинг барчаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини асоси бўлиб ҳизмат қиласи. Стэнфорд университети корхоналар билан ҳамкорлик натижасида юқори технологияларни ривожлантириш бўйича йўлини ишлаб чиқди, бунда эътибор илм-фан тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш билан боғ0лиқлигига қаратилди. 1951 йилда ташкил қилинган университет индустрисал ҳудуди “Силикон водийси” деб танилди. Кембридж университети 70-чи йилларда Англияда биринчи бора технопаркни шакллантириди ва бу ерда 70та турли хил компаниялар иш бошлади. айнан шу ерда 48 километрли “Юқори технологиялар коридори” вужудга келди ва бу ривожланиш модели “Кембридж феномени” номини олиб, ўз навбатда нафақат университет балки ҳудудий ва маҳаллий иқтисодиётни ривожига туртки бўлди.

Юқорида айтиб ўтилганларни барчаси ҳозирги кунда Хитойнинг турли ҳудудларида жойлашган олийгоҳлар фаолиятилда ўз аксини топмоқда. хусусан, Гонг Конг, Шанхай, Чжецзянг, Сямэн, Пекин, Гуанчжоу, Шенчжэн ва бошқа кўплаб шаҳарларда. Айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунда Хитой ҳукумати таълим соҳасида катта эътиборини Америка Кўшма Штатлари таълим тизимиға суюниб келмоқда ва бу тизим унсурларини баъзи ҳолларда қисман, баъзи ҳолларда тўлиқ олийгоҳлар таълим тизимиға таъсис қилиб келмоқда.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделлари. Шунинг баробарида ислоҳотлар жараёнида тўпланган тажрибалар шунчаки нусха олиш орқали тараққий этиш асло мумкин эмаслигини ҳам амалда исботламоқда. Бу борада Хитой Халқ Республикасининг олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида босиб ўтган йўли ҳам буни амалда исботламоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

- 李稿。现代汉语研究。–北京。2012年。
- 陈前软。动词重叠的情况特征及气体的地位, 语言教学与研究。–北京, 2001年。
- Хашимова, С. (2020). Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия. Т.: Ёш куч, 330.